

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ОСОЙИШТАЛИК ВА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ
ҚўМИТАСИННИГ
ҶАРОРИ**

**МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ, БОЛАЛАР ШАҲАРЧАЛАРИ ҲАМДА ДАВЛАТ
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАРБИЯЛНААЁТГАН
БОЛАЛАРНИНГ ХАВФСИЗ ВА СИФАТЛИ ОВҚАТЛАНИШИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА ТАЛАБЛАРИНИ (0048-23-СОН
САНҚВАН) ТАСДИҚЛАШ ТҮҒРИСИДА**

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 26 июнда ҳисобга
олинди, ҳисоб рақами 181]**

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги түғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари түғрисида»ги **Фармонига** мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси қарор қиласди:

1. Мехрибонлик уйлари, болалар шаҳарчалари ҳамда давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида тарбияланаётган болаларнинг хавфсиз ва сифатли овқатланишини ташкил этишга қўйиладиган санитария-гигиена талаблари (0048-23-сон СанҚвАН) **иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи томонидан 2007 йил 24 марта тасдиқланган Мехрибонлик уйлари, ёрдамчи ва санаторий мактаб-интернатларда озиқ-овқат истеъмол қилишнинг кунлик ўргача рационал нормалари ва овқатланиш учун гигиеник талаблар (0219-07-сон СанҚвАН) ўз кучини йўқотган деб топилсан.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан келишилган.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи Б.
ЮСУПАЛИЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 24 май,
9-сон
Келишилди:

Мактабгача ва мактаб таълими вазири Х. УМАРОВА

2023 йил 18 апрель

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг 2023 йил 24 майдаги 9-сон қарорига
ИЛОВА

**Мехрибонлик уйлари, болалар шаҳарчалари ҳамда давлат ихтисослаштирилган
таълим муассасаларида тарбияланаётган болаларнинг хавфсиз ва сифатли
овқатланишини ташкил этишга қўйиладиган санитария-гигиена талаблари (0048-23-
сон СанҚвАН)**

Мазкур санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (бундан буён матнда санитария қоидалари деб юритилади) меҳрибонлик уйлари, болалар шаҳарчалари, жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун давлат

ихтисослаштирилган таълим муассасалари ҳамда санаторий туридаги ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида (бундан буён матнда муассасалар деб юритилади) тарбиялананаётган болаларнинг хавфсиз ва соғлом овқатланишини ташкил этиш, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси ҳамда овқатдан заҳарланишларнинг олдини олишга қаратилган санитария-гигиена талабларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур санитария қоидаларида куйидаги атамалар ва уларнинг таърифлари қўлланилган:

мехрибонлик уйлари — етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган давлат тарбия муассасалари;

болалар шаҳарчалари — ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар кичик гуруҳлари шаклида оиласдагига яқинлаштирилган шароитларда тарбияланадиган тарбия муассасалари;

жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари — жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болаларнинг таълим тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган, шунингдек алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун мўлжалланган давлат муассасалари;

санаторий туридаги ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари — алоҳида шароитларда даволаниш ва соғломлаштиришга, таълим ва тарбия олишга муҳтоҷ болалар ҳуқуқларини таъминлаштирилган санаторий туридаги таълим муассасалари.

2. Муассасалarda рационал таомнома шакллантирилишида кунлик рационда тарбияланувчиларнинг асосий озиқ-овқат моддаларига эҳтиёжи ва ёшига мос энергия қуввати билан тўлиқ таъминланиши, соғлиғи, шунингдек овқатланишнинг иқлим ва миллий хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим.

3. Баъзи маҳсулотлар бўлмагандага уларни бошқа маҳсулот билан алмаштириш мумкин. Бунда алмаштириувчи маҳсулотлар таркибидаги асосий озиқ-овқат моддалари, оқсил, углевод ва ёғларнинг микдори уларнинг ўрнини босувчи маҳсулот таркибидаги оқсил, углевод ва ёғнинг микдорига тенг бўлиши лозим.

Айрим озиқ-овқат маҳсулотларини уларни ўрнини босувчи бошқа маҳсулотларга алмаштиришда мазкур санитария қоидаларининг **3-иловасида** келтирилган меъёрларга қатъий риоя қилиниши лозим.

4. Муассасалarda тарбиялананаётган болалар учун тайёрланадиган кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари мазкур санитария қоидаларининг **1 ва 2-иловаларида** келтирилган нормаларга мувофиқ бўлиши лозим.

2-боб. Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш, тайёрлаш ҳамда етказиб бериш шароитларига қўйиладиган гигиеник талаблар

5. Муассасалар ошхоналари куйидаги гигиеник талабларга мос бўлиши керак:

ошхона анжомлари ва сиртқи юзалар (столлар, кесиш тахталари) озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш учун мос бўлиши;

ошхона ишчи юзалари текис ва бўғинларсиз бўлиши, шунингдек озиқ-овқат қолдиқларининг тўпланишига ва кир йиғилиб қолишига йўл қўймаслиги;

ишлаб чиқариш жойлари иссиқ ва совуқ сув билан таъминланиши;

озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш зонасида юз-қўл ювгичлар, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, бир марта ишлатиладиган куритувчи воситалар бўлиши;

ошхонада ошхона сочиқларини ишлатиш мумкин эмас, бир марта ишлатиладиган сочиқлар бундан мустасно;

барча деразалар ва вентиляция тизими ҳашаротлар ёки кемиравчиларнинг кириб келишини бартараф қилиш учун ёпилган бўлиши;

чиқинди идишлари тўлгандан кейин чиқиндиларни дарҳол олиб чиқиб кетадиган тизим бўлиши;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар турига қараб, музлатгичли камералар, совутиш ускуналари ва иситиш ускуналари (буғ қозонлари, иссиқ столлар, инфрақизил лампалар) ўрнатилиши;

ошхонанинг маҳсус йиғиштириб тозалаш режаси бўлиши.

6. Ювиш ва дезинфекциялаш воситаларидан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар барча ходимларнинг эътиборига етказилиши (ўзига хос ишлаш режимини ҳисобга олган ҳолда) керак.

7. Ювиш ва дезинфекциялаш воситалари тоза, қуруқ ва яхши ҳаво айланадиган жойда сақланиши керак. Эритмалар қора шиша идишларда яхши ўрнатилган тиқин билан, ёруғлик ва намлик таъсиридан ҳоли жойда беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда сақланиши лозим.

8. Ошхона идишларини ювиш учун иккитадан кам бўлмаган, иссиқ ва совуқ сув билан таъминланган металл ванналардан (занглаштирилган материаллардан тайёрланган бўлиши) фойдаланилиши керак.

9. Овқат пишириш қозонлари озиқ-овқат қолдиқларидан тозалангандан сўнг, ювиш воситалари қўшилган ҳолда юқори ҳароратли иссиқ сув билан ювилиши ва қуритилиши лозим.

Тоза ошхона идишлари полдан камида 0,5 м баландлиқда токчаларда сақланиши лозим.

10. Кесиших тахталари ва кичик ёғоч идишлар, аралаштиргичлар ва бошқалар биринчи ювиш ваннасида ювиш воситалари қўшилган ҳолда юқори ҳароратли иссиқ сувда ювилиши ва қуритилиши керак.

11. Истеъмол идишлари ва бошқа барча озиқ-овқат маҳсулотлари учун фойдаланиладиган буюмларнинг бутунлиги сақланиши ҳамда занглаштирилган материалдан тайёрланган бўлиши керак.

12. Ишлатилган барча буюмлар биринчи ваннада юқори ҳароратда ювилиши ва иккинчи ваннада чайилиб қуритилиши лозим.

13. Ювилган барча идишлар қуритилгандан сўнг жавонларда вертикал ҳолатда сақланиши керак.

14. Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш учун мўлжалланган столлар думалоқ бурчакли, усти занглаштирилган материаллардан тайёрланниши керак.

15. Хом ва тайёр маҳсулотларни кесиших учун мўлжалланган алоҳида кесиши столлари юзасининг бутунлиги сақланиши, шунингдек осон ювиладиган ва дезинфекцияланадиган ёғочдан ясалган бўлиши керак.

16. Пишган овқатни тайёрлаш ва сақлаш учун занглаштирилган материаллардан ясалган идишлардан фойдаланилиши керак. Шарбатлар занглаштирилган материаллардан ясалган идишларда тайёрланади. Сутни қайнатиш учун алоҳида идишлар ажратилган бўлиши керак.

17. Ошхона тўпламлари миқдори болаларнинг сонига мувофиқ ҳолда таъминланган бўлиши керак.

18. Озиқ-овқат маҳсулотларини маҳсус транспортларда ташиб келтиришда уларнинг бутунлиги сақланган ҳолда ҳамда заарланмайдиган шароитда амалга оширилиши лозим.

19. Тез бузиладиган маҳсулотларни ташиб ёпиқ идишларда, музлатгичда ёки изотермик транспортда (1 соат музсиз ҳолатда ва 3 соат муз билан бирга) ташилиши лозим. Транспорт воситаларининг кузови тозалашга осон бўлган (ювиш ва дезинфекцияга чидамли) гигиеник қопламага эга бўлиши керак.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ташибда фойдаланиладиган транспорт воситаларидан бошқа юкларни ташибда фойдаланилиши мумкин эмас.

20. Маҳсулотлар олиб келинган идишлар ёрликланган бўлиши ва қатъий белгиланган мақсадларда ишлатилиши керак. Қутилар ва бошқа қоплар ишлатилгандан кейин тозаланиши, зарарсизлантирилиши ва қуритилиши керак.

Идишлар ифлосланмаган тоза жойларда сақланиши, уларни қайта ишлаш маҳсус ажратилган хонада амалга оширилиши лозим. Озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш учун ошхона жиҳозларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

21. Муассасаларга олиб келинаётган барча хом ашё ва маҳсулотларнинг сифати ҳамда хавфсизлигини тасдиқловчи хужжатлари мавжуд бўлиши керак.

22. Маҳсулотларнинг сифати омборхоначи ва тиббиёт ходими томонидан текширилиши ва маълумотлар бракераж журналига қайд этилиши лозим. Яроқлилик муддати ўтган ва бузилиш белгилари бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилишга йўл қўйилмайди.

23. Тез айнийдиган озиқ-овқат маҳсулотлари совутиш камераларида ёки музлатгичларда $+2 - +6$ °C ҳароратда сақланиши ҳамда совутиш камералари ёки музлатгичларда ҳароратни назорат қилиш учун термометрлар ўрнатилиши керак. Агар фақат битта совутгич ёки музлатгич мавжуд бўлса гўшт, балиқ ва сут маҳсулотларини сақлаш жойлари қатъий белгиланган бўлиши лозим.

24. Музлатилган парранда ва балиқ маҳсулотлари етказиб берувчининг идишида ёки қутиларда сақланиши керак.

25. Сут қабул қилингандан сўнг шиша идишларда сақланиши керак.

26. Ёғ ўзининг маҳсус ишлаб чиқарилган идишларида жавонларда сақланиши керак. Катта бўлакли пишлоқлар тоза токчаларда (пишлоқларни бир-бирининг устига қўйганда, улар орасида картон бўлиши керак), кичик бўлакли пишлоқлар эса истеъмол ўрамида жавонларда сақланади.

27. Сметана ва творог қопқоқли идишда сақланади. Сметана ва творог солинган идишда қошиклар ва пичоқларни қолдиришга йўл қўйилмайди. Тухумлар қуруқ ва салқин хоналарда ювилган ҳолда сақланиши лозим.

28. Ёрма, ун ва макарон маҳсулотлари қуруқ хонада елим халталар, картон қутиларда маҳсус тагликларда ёки полдан камида 15 см баландликда сақланиши, девор ва маҳсулотлар орасидаги масофа эса камида 20 см бўлиши керак.

29. Нон стеллаж ва шкафларда пастки қавати полдан 35 см дан кам бўлмаган ҳолда сақланади. Шкафларнинг эшиклирида ҳаво ўтиши учун тешиклар бўлиши керак. Нон сақлаш жойлари тозаланганда нон увоқлари маҳсус чўткалар билан супурилиб, токчалар 1 фоизли цирка билан намланган матода артилади.

30. Картошка ва илдизли сабзавотлар қуруқ ва қоронғу хоналарда сақланади. Карам омборхона расталарида, кўкат ва мевалар эса сақлаш идишларида салқин жойларда ҳарорати $+12$ °C дан юқори бўлмаган ҳолатда сақланади.

31. Нохуш ҳиди бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ўзига ҳид тортувчи озиқ-овқат маҳсулотларидан (сариёғ, шакар, туз, тухум, чой ва пишлок) алоҳида сақланади.

32. Сутни қабул қилингандан кейин дарҳол ишлатишнинг иложи бўлмаса, у музлатгичда $+4 - +6$ °C ҳароратда сақланиши лозим.

33. Таом тайёрлаш жараённида қуйидагиларга амал қилиниши лозим:

котлетлар, қўйма ёки балиқ гўшти, балиқ бўлаклари қиздирилган ёғда икки томондан камида 5 дақиқа давомида қовурилиши, шундан сўнг улар печда юқори ҳароратда тайёр ҳолга келтирилиши;

иккинчи таомлар қайнатилган гўшт (тобуклар), шунингдек биринчи таомга қўшилган тўғралган гўшт иккиламчи қайта термик ишлов беришдан ўтказилиши;

қайнатилган гўшт (парранда)дан тайёрланган иккинчи таомлар, шунингдек биринчи таомларга қўшиб бериладиган майдаланган гўштни 5 — 7 дақиқа булонда қайнатиб иккинчи термик ишлов берилиши ҳамда 75 °C ҳароратда булон тарқатилгунга қадар кўпини билан 1 соат сақланиши;

омлетлар $2,5 - 3$ см қалинликда 8 — 10 дақиқа давомида печда $180 - 200$ °C ҳароратда пиширилиши, тухум 10 дақиқа давомида қайнатилиши, ҳар қандай идишларда ишлатишдан олдин тухум олдиндан тўлиқ ювилиши, умумий овқатланиш бўлнимининг ишлаб чиқариш цехларида тухумни етказиб берувчининг идишларида сақлашга йўл қўйилмаслиги;

суюқ овқатларни тайёрлаш учун макарон ва гуруч катта ҳажмдаги сувда (камида 1:6 нисбатда) қайнатилиши;

сабзавотларни пиширишда витаминларни сақлаб қолиш учун уларни пиширишдан олдин юпқа қатlam билан тозалаш кераклиги ҳамда иерсиноz ва псевдотуберкулөзнинг олдини олиш учун профилактика мақсадида сабзавотларни олдиндан ҳўллашга йўл қўйилмаслиги;

хом сабзавотлардан салатлар тайёрлашда ўтган йилги экин сабзавотларидан фойдаланишга фақат март ойигача рухсат берилиши;

салатлар тайёрлаш учун мўлжалланган сабзавотлар қобиги билан биргаликда қайнатилиб, совутилиши, шунингдек пишириш учун бир кун олдин сабзавотларни қайнатишга йўл қўйилмаслиги.

34. Таомларни тайёрлашда фақат йодланган ош тузи ишлатилиши керак.

35. Овқатдан заҳарланишнинг пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олиш учун:

бир кун олдин тайёрланган таомнинг қолдиқ маҳсулотларидан фойдаланиш тақиқланади;

твогроли сут ва пастеризация қилинмаган сутдан олинган қаймоқли қандолат маҳсулотлари, кремлар, мевали ичимликлар тайёрлашга йўл қўйилмайди.

36. Озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашда куйидагилардан фойдаланиш этилади:

қўзиқоринлар, қайнатилмаган сут, иссиқлик билан ишлов берилмаган консерваланган яшил нўхат, ветеринария назоратидан ўтмаган парранда маҳсулотлари тухумлари ва гўшти, балиқ ва гўшт маҳсулотлари;

уй шароитида тайёрланган консерва маҳсулотлари, зичлиги бузилган, шишган, занг билан қопланган консервалар;

турли хил аралашмалар билан ифлосланган ва дон зааркунандалари билан касалланган дон, ун ва қуритилган мевалар;

моғор ва чириш белгилари бўлган сабзавотлар ва мевалар;

зираоворлар таркибида сунъий хом ашёлар бўлган озиқ-овқат қўшимчалари (сунъий, ароматизаторлар, бўёқлар);

ёғ микдори 82 фоиздан паст бўлган сариёғ;

дудланган гўшт;

маёнеz, қалампир, хантал, цирка, табииy қаҳва.

37. Тайёр овқатни беришга тиббиёт ходими томонидан тайёр овқатлардан намуна олинганидан кейингина рухсат этилади.

Тайёр овқатдан кунлик синама намунаси қолдирилиши керак. Нокулай эпидемиологик вазиятда микробиологик тадқиқот ўтказиш учун кунлик синама намуна тўлиқ ёки камида 100 г бўлган микдорда олинади. Намуна қопқоқли стерил шиша идишга олинади ва 24 соат давомида маҳсус музлатгичда сақланади.

38. Совуқ ва иссиқ таъсирида ишлов бериш вақтида маҳсулот ва таомларнинг оғирлик ўйқотилиш нормалари мазкур санитария қоидаларининг **4-иловасига** мувофиқ аниқланади.

39. Мазкур санитария қоидаларини ишлаб чиқувчилар рўйхати **5-иловада** келтирилган.

Мехрибонлик уйлари, болалар шаҳарчалари ҳамда давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида тарбиялананаётган болаларнинг хавфсиз ва сифатли овқатланишини ташкил этишга қўйиладиган санитария-гигиена талабларига

1-ИЛОВА

Мехрибонлик уйлари ва болалар шаҳарчалари тарбияланувчилари учун кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари

НОРМАЛАРИ

T/p	Ёш гурухлари
-----	--------------

	Махсулотлар номи	3 ёшдан 7 ёшгача					7 ёшдан 14 ёшгача				
		грамм	оқсил	ёғлар	углеводлар	ккал.	грамм	оқсил	ёғлар	углеводлар	ккал.
1.	Буғдой нони I нав	300	23,7	3,0	144,9	705,0	450	35,6	4,5	217,4	1057,5
2.	Буғдой уни I нав	35	3,9	0,5	23,7	115,2	40	4,4	0,6	27,1	131,6
3.	Картошка уни	3	0,0	0,0	2,3	9,4	3	0,0	0,0	2,3	9,4
4.	Гуруч	28	2,0	0,3	20,7	93,2	36	2,5	0,4	26,6	119,9
5.	Ёрма	14	1,5	0,2	10,4	43,4	18	1,9	0,2	13,3	55,8
6.	Дуккакли махсулотлар	11	2,9	0,2	3,7	37,5	14	3,7	0,2	4,7	47,7
7.	Макарон махсулотлари	18	2,0	0,3	12,3	59,9	23	2,6	0,4	15,7	76,6
8.	Шакар	50	0,0	0,0	49,9	199,5	60	0,0	0,0	59,9	239,4
9.	Қандолат махсулотлари	15	1,2	1,4	8,3	50,9	25	2,0	2,4	13,9	84,8
10.	Сигир сутидан тайёрланган сариф (ёғлилиги 82,5 фоиз)	40	0,2	33,0	0,3	299,2	45	0,2	37,1	0,4	336,6
11.	Ўсимлик мойи	15	0,0	15,0	0,0	134,9	20	0,0	20,0	0,0	179,8
12.	Сут, нордон сут	500	14,5	16,0	20,0	295,0	550	16,0	17,6	22,0	324,5
13.	Қаймок	20	0,5	4,0	0,7	41,2	25	0,6	5,0	0,9	51,5
14.	Творог	40	7,2	3,6	1,2	67,6	60	10,8	5,4	1,8	101,4
15.	Пишлоқ	10	2,3	3,0	0,0	36,4	15	3,5	4,4	0,0	54,6
16.	Гўшт, парранда гўшти	125	23,3	20,0	0,0	272,5	150	27,9	24,0	0,0	327,0
17.	Колбаса	15	1,9	3,3	0,2	38,6	25	3,2	5,6	0,4	64,3
18.	Балиқ	40	7,4	0,4	0,0	33,6	100	18,4	1,1	0,0	84,0
19.	Тухум (дона)	1	0,1	0,1	0,0	1,6	1	0,1	0,1	0,0	1,6
20.	Картошка	250	5,0	1,0	40,8	192,5	400	8,0	1,6	65,2	308,0
21.	Сабзавотлар, шу жумладан томат пастаси	350	6,3	0,7	16,5	98,0	455	8,2	0,9	21,4	127,4
22.	Мевалар, резаворлар, шарбатлар	200	0,8	0,8	19,6	94,0	350	1,4	1,4	34,3	164,5
23.	Куруқ мевалар	15	0,3	0,0	7,2	29,9	15	0,3	0,0	7,2	29,9
24.	Чой	0,5	0,1	0,0	0,0	0,7	0,5	0,1	0,0	0,0	0,7
25.	Кақао	1	0,2	0,2	0,1	2,9	1	0,2	0,2	0,1	2,9
26.	Йодланган туз	10	0,0	0,0	0,0	0,0	10	0,0	0,0	0,0	0,0
27.	Хамиртуруш	1	0,4	0,1	0,4	3,9	1	0,4	0,1	0,4	3,9

	ЖАМИ	107,7	107,0	383,3	2956,2	152,1	133,0	535,0	3985,1
--	-------------	--------------	--------------	--------------	---------------	--------------	--------------	--------------	---------------

Мехрибонлик уйлари, болалар шаҳарчалари ҳамда давлат ихтиослаштирилган таълим муассасаларида тарбияланыётган болаларнинг хавфсиз ва сифатли овқатланишини ташкил этишга қўйиладиган санитария-гигиена талабларига
2-ИЛОВА

Жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун давлат ихтиослаштирилган таълим муассасалари ҳамда санаторий туридаги ихтиослаштирилган давлат таълим муассасалари тарбияланувчилари учун кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари

НОРМАЛАРИ

Т/п	Маҳсулотлар номи	7 ёшдан 14 ёшгacha					15 ёшдан 18 ёшгacha				
		грамм	оксили	ёғлар	углеводлар	ккал.	грамм	оксили	ёғлар	углеводлар	ккал.
1.	Буғдой нони I нав	350	27,7	3,5	169,1	822,5	550	43,5	5,5	265,7	1292,5
2.	Буғдой уни I нав	60	6,7	0,9	40,7	197,4	80	8,9	1,2	54,2	263,2
3.	Картошка уни	3	0,0	0,0	2,3	9,4	3	0,0	0,0	2,3	9,4
4.	Гуруч	32	2,2	0,3	23,7	106,6	56	3,9	0,6	41,4	186,5
5.	Ёрма (гуручдан ташқари)	16	1,7	0,2	11,8	49,6	28	2,9	0,3	20,7	86,8
6.	Дуккакли маҳсулотлар	12	3,1	0,2	4,0	40,9	21	5,5	0,3	7,0	71,6
7.	Макарон маҳсулотлари	20	2,2	0,3	13,7	66,6	35	3,9	0,6	23,9	116,6
8.	Шакар	50	0,0	0,0	49,9	199,5	60	0,0	0,0	59,9	239,4
9.	Қандолат маҳсулотлари	20	1,6	1,9	11,1	67,8	30	2,4	2,8	16,7	101,7
10.	Сигир сутидан тайёрланган сарийёф (ёғлилиги 82,5 фоиз)	60	0,3	49,5	0,5	448,8	70	0,4	57,8	0,6	523,6
11.	Ўсимлик мойи	20	0,0	20,0	0,0	179,8	25	0,0	25,0	0,0	224,8
12.	Сут, нордон сут	550	16,0	17,6	22,0	324,5	500	14,5	16,0	20,0	295,0
13.	Қаймоқ	40	1,0	8,0	1,4	82,4	45	1,1	9,0	1,6	92,7
14.	Творог	70	12,6	6,3	2,1	118,3	90	16,2	8,1	2,7	152,1
15.	Пишилоқ	25	5,8	7,4	0,0	91,0	30	7,0	8,9	0,0	109,2
16.	Гўшт, парранда гўшти	150	27,9	24,0	0,0	327,0	220	40,9	35,2	0,0	479,6
17.	Колбаса	30	3,8	6,7	0,5	77,1	60	7,7	13,3	0,9	154,2
18.	Балиқ	90	16,6	1,0	0,0	75,6	150	27,7	1,7	0,0	126,0
19.	Тухум (дона)	1	0,1	0,1	0,0	1,6	1	0,1	0,1	0,0	1,6
20.	Картошка	400	8,0	1,6	65,2	308,0	650	13,0	2,6	106,0	500,5

21.	Сабзавотлар, шу жумладан томат пастаси	450	8,1	0,9	21,2	126,0	700	12,6	1,4	33,0	196,0	
22.	Мевалар, резаворлар, шарбатлар	550	2,2	2,2	53,9	258,5	750	3,0	3,0	73,5	352,5	
23.	Куруқ мевалар	25	0,6	0,0	12,0	49,8	35	0,8	0,0	16,8	69,7	
24.	Чой	0,5	0,1	0,0	0,0	0,7	0,5	0,1	0,0	0,0	0,7	
25.	Какао	1	0,2	0,2	0,1	2,9	1	0,2	0,2	0,1	2,9	
26.	Йодланган туз	5	0,0	0,0	0,0	0,0	5	0,0	0,0	0,0	0,0	
27.	Хамиртуруш	1	0,4	0,1	0,4	3,9	1	0,4	0,1	0,4	3,9	
ЖАМИ			149,0	152,7	505,5	4036,0			216,7	193,5	747,4	5652,4

Мехрибонлик уйлари, болалар шаҳарчалари ҳамда давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида тарбиялангаётган болаларнинг хавфсиз ва сифатли овқатланишини ташкил этишга қўйиладиган санитария-гигиена талабларига
3-ИЛОВА

Айрим озиқ-овқат маҳсулотларининг ўрнини босувчи маҳсулот МЕЪРЛАРИ

Маҳсулот	Оғирлиги (г)	Ўрнини босувчи маҳсулот	Оғирлиги (г)
1-навли буғдой унидан тайёрланган оқ нон ўрнига:	100	1-навли буғдой унидан нон бўлаклари	65
		1-навли буғдой уни	75
		мол гўшти жигари	116
		1-тоифали товуқлар	110
		Балиқ	125
		Творог	120
		ҳаво ўтказмайдиган қадоқдаги тўлиқ сут кукуни	11
		ёғсизланган сут кукуни	7,5
		шакар билан қуюлтирилган сут	40
		Творог	17
		1-тоифали гўшт	14
		Балиқ	17,5
		Пишлок	12,5
		товуқ тухуми	22
		гўшт (мол гўшти)	83
		Балиқ	105
		Творог	31
		гўшт (мол гўшти)	26
		Балиқ	30
		тўлиқ сут	186
		Пишлок	20
Товуқ тухуми (1 дона)	41		

		тухум кукуни	11,5
Балик	100	гүшт (мол гүшти)	87
		Творог	105
		оқ карам	111
Картошка	100	Гулкарам	80
		Сабзи	154
		Лавлаги	118
		фасол (ловия)	33
		яшил нұхат	409
		яшил нұхат (консерваланган)	64
		баклажон (кабачки)	300
		Қовоқ	200
		консерваланган олма	90
Янги олма	100	олма шарбати	133
		олхұри шарбати	133
		куритилған мевалар	
		Олмалар	12
		олхұри	17
		куритилған ўрик	8
		Майиз	22

Мехрибонлик уйлари, болалар шаҳарчалари ҳамда давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида тарбияланаётган болаларнинг хавфсиз ва сифатли овқатланишини ташкил этишга қўйиладиган санитария-гигиена талабларига

4-ИЛОВА

Совуқ ва иссиқ таъсирида ишлов бериш вақтида маҳсулот ва таомнинг оғирлик йўқотилиш

НОРМАЛАРИ

Маҳсулотлар	Совуқ таъсирида ишлов берилганда, қайта ишлашда маҳсулотларнинг вазн йўқотиши (фоиз)	Таомлар	Иссиқлик таъсирида ва қайта ишлашда таомнинг оғирлик йўқотиши (фоиз)
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари			
Мол гўшти I нав (дон, музлатилган, бўлаклар)	15 — 26,4	Қайнатилган мол гўшти:	
Мол гўшти I нав	30	катта бўлакларда пишириш	
Мол гўшти II нав		кичик бўлакларда пишириш	37
		Соусда пиширилган мол гўшти	
		ўчириш	20
		Пишириш	10
		соусда пиширилган гўшт	20
		Қайнатилган гўштдан пиширилган соусли гўшт:	
		пишириш	38

		үчириш	20
		кичик бўлакларда қовурилган гўшт	37
		Қайнатилган мол гўшти:	
		пишириш	38
		ўчириш	20
		Қайнатилган гўштили картошка:	
		пишириш	38
		ишқаланиш	2-3
		пишириш	14
		котлетлар (тефтел) буғлари	12
		котлетлар (тефтел) қовурилган	19
		Қайнатилган гўштили гуручли пудинг, пиширилган:	
		пишириш	38
		ишқаланиш	2-3
		пишириш	14
		Буғда пиширилган гўштили суфле:	
		гўшт пишириш	38
		ишқаланиш	2-3
		Буғда пиширилган қийма (суфле)	8
		Буғда пиширилган котлет	15
		Қайнатилган котлет (тефтел)	24
Мол гўшти колбаса, колбаса	2,5	Сосиска, қайнатилган колбаса	0
Колбаса	3	Сосиска, қовурилган колбаса	10
Парранда маҳсулотлари			
Қовурилган товук	26,1	Қайнатилган товук	28
Товук гўшти	31,4	пиширишдан кейин орқа мия суюгини олиб ташлаш	6
Товук гўштнинг қисмлари	11,5	қисмларга ажратиш	3
		буғда пиширилган котлетлар	12
		Қайнатилган товукдан суфле	
		тана гўшти пишириш	28
		суюкни олиб ташлаш	6
		буғда пиширилган суфле	8
Жигар			
Музлатилган мол жигари	17	қовурилган жигар	32
		димланган жигар	32
		соусда димланган жигар	20
		Қовурилган мол жигари	
		димлаш	2
		қовуриш	15
Балиқ			
Ичи тозаланмаган минтай балиғи	40	қайнатилган балиқ	18
Лаҳм ва суюксиз балиқ	50	қовурилган балиқ	16

Лаҳм ва сүяксиз балиқ	54	Балиқ қиймаси (суфлеси):	
Бўлакли (тозаланган)		маҳкамланган қопқоқ остида оз миқдордаги суюқликда ёки ўз шарбатида пиширилган озиқ-овқат маҳсулотлари	18
Бошсиз, тозаланган катта треска балиғи:		ишқаланиш	3
		пишириш	15
Терили лаҳм ва қовурға суяги билан	23	Соусда пиширилган балиқ	18
Лаҳм терисиз ва сүяксиз	27	соусда пишириш	10
Бошсиз, тозаланган кичик треска балиқ:		Маринадланган димланган балиқ	18
Лаҳм тери ва қовурға суяги билан	25	димлаш	20
Сут ва сут маҳсулотлари			
Сут (қайнатиш ва қуиши)	5	қайнатилган сут	5
Ёғли кефир (тошиб кетиш)	3,5		
ферментланган сутли ичимлик 6 %	3	пишириш	10
Сметана (порциялаш)	1	творогли пишириқ	15
Творог	0	қовурилган творогли пишириқ	12
Майдаланган творог	2	ёғли творогли хамир ҳолатида пишириш, қайнатиш	9
Хамир қопламиининг йўқолиши	3	ярим ёғли творогли хамир ҳолатида пишириш, қайнатиш	5
Тухум		пиширилган омлет	12
Сабзавотлар			
Картошкали таомлар			
Картошка:			
31.10 дан 31.12 гача	30	қовурилган картошка билан рагу:	
31.12 дан 28.02 гача	35	ўчириш	17
29.02 дан 01.09 гача	40	пиширилган картошка	20
		сутли соусда пиширилган картошка:	
		Пишириш	10
		қовурилган картошка	31
		Картошка пюреси:	
		пишириш	3
		димлаш	3-5
		Пиширилган картошка котлетлари:	
		пишириш	3
		димлаш	3-5
		пишириш	10
		Хом картошка қуймоқлари:	

		димлаш	3
		қовуриш	24
		Қовурилган картошка котлетлари:	
		пишириш	3
		димлаш	3-5
		қовуриш	11
		Пиширилган картошкали котлет	
		пишириш	3
		димлаш	3-5
		пишириш	10
		Картошкали қовурилган рулет:	
		пишириш	3
		димлаш	3-5
		пишириш	11
Янги картошка	20	қайнатилган янги картошка	6

Карамли таомлар

Карам	20	катта бўлакларда қайнатилган карам	8
		ковурилган карам	10
		қийма учун қовурилган карам	25
		ковурилган карам	21
		Сутли соусда пиширилган қайнатилган карам:	
		қайнатиш	8
		пишириш	15
		Сутда пиширилган карам	13
		Қовурилган карам котлетлари:	
		маҳкамланган қопқоқ остида оз миқдордаги суюқликда ёки ўз шарбатида пиширилган озиқ-овқат маҳсулотлари	10
Гулкарам	48	қовуриш	17
		Пиширилган карам котлетлари:	
		маҳкамланган қопқоқ остида оз миқдордаги суюқликда ёки ўз шарбатида пиширилган озиқ-овқат маҳсулотлари	10
		пишириш	15
		Карамга ўралган қийма ва сабзавотлар:	
		қайнатиш	8
		пишириш	22
		димлаш	19
		Қовурилган гул карам:	
		қайнатиш	10
		қовуриш	10
		Сутли соусда пиширилган гул карам:	

		қайнатиш	10
		пишириш	16
Сабзидан тайёрланадиган таомлар			
Сабзи		қайнатилган сабзи	0,5
01.01 дан	20	қовурилган сабзи	8
01.01 гача	25	чала қовурилган сабзи	8
		чала пиширилган сабзи	32

Мехрибонлик уйлари, болалар шаҳарчалари ҳамда давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида тарбияланаётган болаларнинг хавфсиз ва сифатли овқатланишини ташкил этишга қўйиладиган санитария-гигиена талабларига
5-ИЛОВА

Ишлаб чиқувчилар рўйхати:

- Камилова Р.Т. — Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти директори в.в.б., т.ф.д., профессор;
- Худайберганов А.С. — Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти, Овқатланиш гигиенаси лаборатория мудири, т.ф.д., профессор;
- Шайхова Г.И. — Тошкент тиббиёт академияси, Болалар, ўсмиirlар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси профессори, т.ф.д., профессор;
- Саломова Ф.И. — Тошкент тиббиёт академияси, Атроф-муҳит гигиенаси кафедраси мудири, т.ф.д., профессор;
- Азизова Ф.Л. — Тошкент тиббиёт академияси, Илмий ишлар бўйича проректори, т.ф.д., доцент;
- Исакова Л.И. — Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти, Болалар ва ўсмиirlар гигиенаси лаборатория катта илмий ходими, PhD;
- Шоюсупова Ҳ.Б. — Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти, таянч докторант;
- Махаматқулов Х.Э. — Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти, таянч докторант.

Тақризчилар рўйхати:

- Исраилова Г.М. — Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, Гигиена кафедраси доценти, т.ф.н.;
- Хамракулова М.А. — Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари, т.ф.д., профессор;
- Эрматов Н.Ж. — Тошкент тиббиёт академияси, Болалар, ўсмиirlар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси мудири, т.ф.д., профессор.